IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: CU55932412

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Қарши МТУ” филиали бошлиғи

_____ М.Х.Мирзаев

“Қарши МТУ” филиали миқёсида ижтимоий, маънавий-маърифий, хотин-қизлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ва тизимдаги корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида коррупсияни олдини олиш бўйича кенгайтирилган йиғилиш

БАЁННОМА № _87_

09.02.2026 йил. *Қарши шаҳри*

Раислик қилдилар: Қарши МТУ филиали бошлиғи — Мирзаев Мансур Холбўтаевич Қарши МТУ Касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси — Арслонов Ибодулла Ғуломович

Қатнашдилар: Қашқадарё вилояти транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси жамоат хавфсизлиги бўлими инспектори, капитан Раззоқов Машраб Эсанович, Касаба уюшма раислари, ходимлар бўлими бошлиқлари ва инспекторлари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар раислари, маънавият ва маърифат ишлари учун бириктирилган масъул ходимлар, спорт тарғиботчилари, каррупсия ва компленс бўйича бириктирилган ходимлар, корхона раҳбарлари, корхона ва ташкилотдан 250 нафар ходимлар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Корхона ва ташкилот ходимлари ўртасида коррупсияга қарши курашиш, жиноятчиликлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупсия, гиёҳвандлик ва онлайн қимор ўйинларига қарши профилактик тадбир.
2. Хотин-қизлар билан ишлаш йўналишидаги фаолият таҳлили.
3. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалалари.
4. Спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини кенг жорий этиш.

5. Корхона ва станцияларда ўтказилаётган тадбирларни сифатли ташкил этиш ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиш бўйича тавсиялар.
6. “Раҳбар ва ёшлар учрашуви”

ЙИҒИЛИШ БОРИШИ

1-масала юзасидан:

Йиғилишни Қарши МТУ Касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси Арслонов Ибодулла Ғуломович очиб берди ва “Қарши МТУ” филиали миқёсида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди. Жумладан, жойларга бириктирилган масъул ходимлар иштирокида мунтазам равишда профилактик тарғибот тадбирлари ўтказиш, ходимлар ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга қаратилган давра суҳбатлари ҳамда маърузалар ташкил этиш режалаштирилди. Шунингдек, содир бўлган коррупцион ҳолатлар таҳлил қилиниб, улар ҳақида ишчи-ходимларга очиқ маълумотлар тақдим этиш, бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини тушунтириш орқали келгусида такрорланишининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, ҳалоллик, шаффофлик ва қонун устуворлиги тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида ички назорат механизмларини кучайтириш ҳамда ходимларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.”

Жиноятчиликлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупция, гиёҳвандлик ва онлайн қимор ўйинларига қарши профилактик тадбирни олиб бориш учун, Қашқадарё вилояти транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси жамоат хавфсизлиги бўлими инспектори, капитан Раззоқов Машраб Эсановичга сўз берилди.

Ўз маърузасида капитан М.Э.Раззоқов ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш, ёшларни турли салбий иллатлардан асраш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, жиноятчиликка қарши курашишда профилактиканинг ўрни муҳим экани, ҳар бир раҳбар ўз жамоасида назорат ва тарғибот ишларини тизимли равишда олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, коррупсион ҳолатларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишига қарши қатъий чоралар кўриш, онлайн қимор ўйинлари каби замонавий таҳдидларга қарши профилактик ишларни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Маълум қилинишича, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг **1-феврал санасидан 1-март кунига қадар “Соғлом авлод — хавфсиз келажак” шиори остида профилактик ойлик** эълон қилинган бўлиб, мазкур даврда қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши белгиланган:

- ёшлар иштирокида профилактик учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш;
- спорт мусобақалари ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш;
- таълимий-маърифий семинарлар ва махсус видеороликлар орқали тарғибот ишларини кучайтириш;
- маҳаллалар ва меҳнат жамоалари билан ҳамкорликда рейд тадбирларини ўтказиш.

Капитан М.Э.Раззоқов ҳар бир раҳбар ва масъул шахсдан мазкур ойлик доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиш, ёшларни спорт ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш талаб этилишини алоҳида таъкидлади ва мавзу юзасидан махсус видео ролик намойиш этилди.

2-масала юзасидан:

Қарши МТУ Касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси Арслонов Ибодулла Ғуломович филиал миқёсида ижтимоий, маънавий-маърифий, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда спорт йўналишларида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини танқидий таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, корхоналар миқёсида хотин-қизлар билан ишлаш ҳолати бирма-бир кўриб чиқилиб, айрим жойларда хотин-қизлар раислари фаолияти етарли даражада йўлга қўйилмагани, муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмаётгани танқид қилинди.

Шунингдек, мазкур йўналишларда масъул шахсларнинг шахсий жавобгарлиги оширилиши, ҳар бир ўтказилаётган тадбир аниқ натижага йўналтирилган бўлиши, ҳисоботбозлик эмас, балки амалий ва манзилли ишлар устувор бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Муаммоли масалаларни ўз вақтида аниқлаш, эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда жамоат ишларига кенг жалб этиш бўйича келгусидаги аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт тадбирларига фаол жалб этиш, касбий ривожланишини таъминлаш, маънавий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳамда ҳар бир корхонада хотин-қизлар билан индивидуал ишлаш тизимини кучайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

3-масала юзасидан:

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходимлар фаолияти таҳлил қилиниб, айрим жойларда тадбирлар формал тарзда ўтказилаётгани танқид қилинди.

Маънавий-маърифий тадбирларни мазмунан бойитиш, миллий қадриятлар, ватанпарварлик, китобхонликни тарғиб қилиш, ходимларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди.

4-масала юзасидан:

Спорт тарғиботи бўйича ишлар муҳокама қилиниб, спорт мусобақалари сонини кўпайтириш, ходимлар ва ёшларни жисмоний фаолликка кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

5-масала юзасидан:

Корхона ва станцияларда ўтказилаётган тадбирларни сифатли ташкил этиш, ижтимоий тармоқларда ўз вақтида ва мазмунли ёритиш бўйича тавсиялар берилди. Ҳар бир тадбир фото ва видео материаллар билан ҳужжатлаштирилиши, расмий саҳифаларда жойлаштирилиши лозимлиги таъкидланди.

6-масала юзасидан:

“РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ” ТАДБИРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосари Ж.З.Юсуповнинг 05.01.2026 йилдаги топшириғи ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимида 2026 йилда ўтказиладиган “Раҳбар ва ёшлар” учрашувлари жадвалига мувофиқ, “Қарши МТУ” филиали бошлиғи Мирзаев Мансур Холбўтаевич иштирокида навбатдаги “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” ташкил этилди.

Учрашувдан кўзланган асосий мақсад — ёш ходимларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини тинглаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, касбий салоҳиятини ривожлантириш, иш фаолиятида юзага келаётган муаммоларга ечим топиш ҳамда жамоада соғлом маънавий-маърифий муҳитни янада мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Тадбир давомида “Қарши МТУ” филиали бошлиғи Мирзаев Мансур Холбўтаевич томонидан Ҳудудий ёшлар етакчилари Кенгаши раиси Т.Орзиев фаолияти таҳлилий жиҳатдан ўрганилиб, ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш ҳамда мазкур йўналишни янги босқичга олиб чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Учрашув очиқ мулоқот тарзида ўтказилиб, унда ёшлар ўзларини қизиқтираётган масалалар бўйича эркин фикр билдириш имконига эга бўлишди. Жумладан, “Қарши локомотив депоси” филиали ходимлар бўлими бошлиғи С.Самадов томонидан депо миқёсида ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида турли танлов ва мусобақаларни ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатини янада яхшилаш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, “Қарши локомотив депоси” филиали бошлиқ ёрдамчиси томонидан ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш

тизимини такомиллаштириш, фаол ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор таклифлар билдирилди.

Учрашув якунида ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларни жамоат ишларига кенг жалб қилиш, илғор ташаббусларни рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилиши белгиланди.

Тадбир якунларига кўра фаол ёшларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, ёш кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда уларнинг касбий ўсишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши белгиланди.

Баённома тузувчи: **М.Рашидов**